

TAFAKKUR

ZIYOSI

ilmiy-uslubiy jurnal
Тафаккур зиёси 2/2020



БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ	
Шавкат ШАРИПОВ. Таълим ва илм-фан ўйгунлиги - миллий тараққиётга эришиш қафолати.....	4
ТАКВИМ: ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ГАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА	
Усмонжон ҚОСИМОВ, Сапура НЕЪМАТОВА. Жаҳон шеърятининг ёрқин саҳифалари.....	5
ПЕДАГОГИКА ВА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯ	
Гульсим ЛЕКЕРОВА, Гулям АРИФХОДЖАЕВ, Комил МУРОДМУСАЕВ. Закон О статусе педагога как историческая инициатива, выражающая профессиональные проблемы педагогической деятельности.....	9
Феруза ЗАКИРОВА, Аззам БЕГБУТАЕВ. Олий таълимда маъруза машғулотларини ташкил этишнинг замонавий усуллари.....	12
Мавлуда НОСИРОВА. Педагогика олий ўқув юртларида кредит-модул тизимини ташкил этишнинг ўрни ва аҳамияти.....	16
Фарҳод РАФИЕВ. Талабаларнинг касбий маҳоратини ривожлантиришда компетентликка асосланган ёндашув.....	18
Жаҳонгир МАННОНОВ. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш тизими.....	20
Зокир РАХИМОВ. Ўқув-билиш фаолиятини комплекс ёндашув асосида ташкил этиш.....	22
Ширин КАМОЛОВА. Талабалар илмий дунёқарашини бойитиш муаммолари.....	26
Санобар СИДДИҚОВА, Сардор ЮЛДОШЕВ. Таълим жараёнида интерфаол усулларнинг ўрни.....	29
Наргиза ХУШИЕВА. Ёшлар маънавий тарбияси - тараққиёт омили.....	31
Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА, Раъно МАМАРАЙИМОВА. Ибн Сино қарашлари асосида ёшларда ижобий сифатларини шакллантириш.....	34
Назира ПЎЛАТОВА, Шоҳида АХМЕДОВА. Касбий малакани оширишда ахборот технологияларнинг ўрни.....	36
Фарида ИСРОИЛОВА, Шахноза ШАКАРБОВЕВА. Абу Райхон Берунийнинг соғлом авлод тарбияси ҳақидаги қарашлари.....	39
Насиба БАЙТУРАЕВА, Муқаддас СОИПНАЗАРОВА. Ёшлар камолотида аждодларимиз маънавий меросидан фойдаланиш.....	42
Раҳим УМАРОВ, Шохрух ИСОҚОВ. Ўқувчиларда электр энергиясидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш.....	44
Ҳамидулла МЕЛИЕВ, Шахноза БУРАНОВА, Дилшод АБДУЛЛАЕВ. Развитие преемственности маҳалли, семьи и дошкольной образовательной организации.....	46
Даврон АЛИБЕКОВ. Илмий ва педагогик кадрлар тайёрлашнинг инновацион омиллари.....	49
Собир АЛИБОВ. Электрон таълим - ўқитиш сифатини оширишнинг замонавий воситаси.....	52
Сойиб ТОЖИБОВЕВ, Алишер ОЛИМОВ. Жисмоний маданият назарияси ва методикасини масофавий ўқитишда мобил иловаларнинг ўрни.....	55
Фурқат АХМЕДОВ, Меҳринигор ЯХШИЕВА, Нодир КУЛБОВЕВ. Талаба қизлар жисмоний маданиятини такомиллаштиришнинг педагогик омиллари.....	57
ИЖТИМОЙ ФАҲЛАР	
Бахти ОЧИЛОВА, Сарвар НАЗАРҚОСИМОВ. Жамоатчилик назоратининг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни.....	59
Луқмон ЖЎРАЕВ. Инсон капиталини ривожлантиришнинг фалсафий таҳлили.....	63
Акбар САЙТКАСИМОВ. Социально-философский анализ модернизации и инновационного развития социальной сферы в Узбекистане.....	66
Шухрат ТУРАТОВ. Ёшларда фуқаролик масъулиятини шакллантириш жамият барқарорлигининг муҳим омили.....	69
Мартаба МЕЛИКОВА. Гражданская позиция Алишера Навои.....	72
Санжар КАРИМОВ. Ҳаётини мақсадлар ва уларнинг ёшларни тарбиялашдаги аҳамияти.....	74
Ижод АХМЕДОВ. Тараққиёт жараёнига миллий гоёнинг таъсири.....	78
Гулчехра НАВРЎЗОВА. Баҳруддин Нақшбанд таълимоти Яъқуби Чархий тавсифида.....	80
Абдулла АБДУҲАЛИЛОВ. Маъмурий ислоҳот тушунчасининг ижтимоий-сиёсий моҳияти.....	82
Лола КАРИМОВА. Абдураҳмон Жомий "Баҳористон" асаридаги бунёдкор ғоялар.....	84
Гулчехра АГЗАМОВА. Расмий ҳужжатлар - Бухоро хонлиги ҳунармандчилиги бўйича муҳим манба.....	86
Тўйчи АХМЕДОВ. Ўзбекистонда давлат телеканалларининг ривожланиш босқичлари.....	89
Рашид ХОЛМУРОДОВ, Бекзод НАЗАРОВ. Тарихий ўлкашуносликни ўрганишда меъморчилик манбаларидан фойдаланишнинг аҳамияти.....	91
Оқмирза АННАКУЛОВ, Раъно МУНАРОВА. Иқтидорнинг ижтимоий - фалсафий таҳлили.....	93
ФИЛОЛОГИЯ ФАҲЛARI	
Абдужаббор БОЙМАТОВ, Абдулазиз БАЙМАТОВ. Лексические связи тюркских языков с немецкими.....	95
Сунатулла СОЙИПОВ. "Равзат уш - шухро" асари хусусида айрим мулоҳазалар.....	97
Мая ЭМ. Вариантность фразеологических единиц и некоторые способы их выражения в кратких немецко-иноязычных фразеологических словарях.....	101
Абдужаббор УСМОНОВ. Глобаллашув шароитида жаҳон тилларининг муаммолари.....	102
Турсунали ЖУМАЕВ. Ботир, Баҳодир сўзларининг лексик-семантик хусусиятлари ва уларнинг ареал имкониятлари.....	104
Маърифат РАЖАБОВА. Луғзларда топишмоққа хос жанрий хусусиятлар стилизацияси.....	107
Дилором ХОДЖИМЕТОВА. Рус ва ўзбек адабиётининг буюк намоёндалари.....	109
Феруза ЖУМАЕВА. Ясама сўзларни семик таҳлил усулида ўрганиш.....	110

ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИНИНГ ЁРҚИН САҲИФАЛАРИ

Усмонжон ҚОСИМОВ - филология фанлари доктори, доцент
Сапура НЕЪМАТОВА - эркин тадқиқотчи
Жиззах давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ: Мақолада Миртемир ва Зулфия ижодининг ўрганилиши ва шу асосида ёшларни маънавий тарбияси борасида фикрлари таҳлил этилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: адабиёт, шеърят, ижод, истеъдод, тарбия.

АННОТАЦИЯ: В статье анализируется изучение творчества Миртемира и Зулфии и рассматриваются вопросы духовного воспитания молодежи на данной основе.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: литература, поэзия, творчества, талант, воспитания.

ABSTRACT: The article analyzes the work of Mirtemir and Zulfiya and their views on spiritual education of young people.

KEYWORDS: literature, poetry, creativity, talent, education.

Жаҳон адабиётида, хусусан, кўп асрли ўзбек адабиётимизда ҳам аёл- она сиймоси алоҳида ўрин тутди. Чунончи, ҳазрат Алишер Навоий сингари даҳо ижодкорларимиз томонидан ғоят юксак эҳтиром ва маҳорат билан яратилган аёллар тимсоллари дунё халқлари адабиётининг ҳам энг ёрқин ва фусункор саҳифаларини ташкил этиши шубҳасиздир. Минг йиллар давомида яратилиб, бойиб ва сайқалланиб келин аётган бу қутлуг адабий аънава XX аср ўзбек адабиётимизда ҳам ҳаётбахш ва илҳомбахш бир мавзу саналади. Бу жиҳатдан, айниқса, забардаст шоирларимиз-Миртемир ва Зулфия шеърятини ва улардаги ғоявий-бадиий муштараклик алоҳида ўрганишга муносибдир¹.

"Шеърятимиз бободехқони" Миртемирнинг хотин-қизларга ва мушфиқ оналарга бағишланган ва адабиётимизнинг олтин хазинасидан ўрин олган "Онагинам" сингари ўнлаб мумтоз битиклари жамланса, салмоқли бир мажмуа- куллийёт бўлади. Энг муҳими уларда аёлу онажонларнинг ўтмишдаги аянчли қисмати ҳам, қуллик ва тулликда кечган фожеали тақдирдан қутулиб, эрк ва тенгликка эришган саодатманд кунлари ҳам ҳаққоний лик ва халқона содда лик билан тасвирланганки, уларни ҳеч иккиланмай, оналарга бағишланган яхлит бир дoston-қасида дея таърифлаш мумкин. Чунончи, "Онажонлар" шеърида ана шу тарихий ҳақиқатнинг юксак бир бадиий ифодасини кўрамыз:

...Эмиш: аёл эрга чўри, қул, банда,
Қафасларда қолди гўё парранда.
"Ожиз махлуқ, деди, тутинг кишанда!"
На бўҳтонлардир, на бўҳтонлар...
На хуш даврон келди, ўзга ҳол ўлди,
"Аёл- одам!" сўзи заб мақол ўлди.
Бадгумонлар шармисору лол ўлди.
Аёл- бу ҳаётга хўб жамол ўлди.

Кейинги мисралар ҳам Миртемирнинг ҳаётни қанчалар чуқур билиши ва хотин-қизларнинг қадри-қиммати, бахту камолини олдиндан кўра олишидан, унинг поэтик ис-

теъдоди ва тафаккури кенглигидан ёрқин далолат беради.

Элимнинг қизлари машҳур жаҳонга,
Орденлари ёруғ сочар осмонга,
Тенг эга- давлатга, ерга, хирмонга,
Тенг эга, тенг соҳиб- бахтга, давронга,
Тенг инсонлардир, тенг инсонлар...
Аёл- бу ҳаётда тўлин ойсимон,
Дўстимизсан мушкулларда бегумон.
Фарзанди-дилбандга эса меҳрибон
Онажонлардир, онажонлар...²

Миртемирга хос бўлган бундай халқона соддалик ва миллийлик шоирнинг бошқа шеър ва дostonларига ҳам чуқур ҳаётийлик ва теранлик бағишлайдики, далил тариқасида куйидаги мисолни кўздан кечирайлик:

Алишерга алла айтиб ухлатган Сен- она.
Оғушида Бобур камолга етган Сен- она.
Торобийни оғир жангга жўнатган Сен- она.
Оламни нурида мунаввар этган Сен- она.
Йиғласа, дунёни расо титратган Сен- она.
Кулгиси саодат парвариш этган Сен- она.
Даҳолар бешигин бедор тебратан Сен- она.
Меҳри баҳорида элни яшнатган Сен- она.
Онадай ошиқ йўқ она-Ватанга, Муҳтарам она...

Аёллар, хусусан, ўзбек оналарининг чексиз муҳаббати ва фидойчилигини, кўзларининг ёши билан дунёни титрата олишию меҳрининг тафти билан эл-у юртни яшната олишидек беқиёс яратувчанлик қудратини қисқа бир шеърда бу қадар теранлик ва шарқона донишмандлик билан гўзал ва муסיқий тарзда ифодалай олиш -ўзига хос бир поэтик кашфиёт дейилса, муболаға бўлмайди. Бунинг учун, албатта, Миртемир ва Зулфиядай халқ ҳаёти ва руҳиятини, муштипар ва ғамдийда ўзбек аёлларининг қалб кечинмалари ва уларнинг ирода бардоши нималарга қодир эканлигини чуқур ҳамдардлик билан ҳис эта оладиган ва уларни ўқувчига "юқтира оладиган" дилўртар шоирлик истеъдоди талаб этилади. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, миллат ва

¹ XX аср Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1999. Б. 142.

² Миртемир Сайланма. Тошкент, 1980. Б. 86.

халқ ҳаёти, унинг яшаш тарзи ва орзу-армонларини чуқур билиш ва юракдан туйиш қанчалик муҳим бўлмасин, булар ҳали санъат асари яратиш учун етарли эмас. Бинобарин, ана шу ҳаёт ва руҳий ўй-кечинмаларни муайян шахс тақдири ва тимсоли орқали ҳаққоний акс эттира олишгина чинакам ижод намунаси бўлиши мумкин. Миртемир таланти ва поэтик маҳоратининг ёрқин бир жиҳати ҳам мана шунда намоён бўлади. Жумладан, "Норбуви" шеърисида турмуш ўртоғи урушдан қайтмаган ва уни кутишдан умиди сўнмаган оддий бир қишлоқ аёлининг сокин дарё мисол қалбида кечган унсиз дард-изтиробларини моҳир рассомдек кўз олдимизда гавдалантиради ва бу оғир туйғулар бизнинг ҳам кўнглимизни чулғаб олади, ҳаёт ҳақида жиддий ўйлашга ундайди:

*Бир кез Норжон дердик, ҳозир Норбуви,
Эрмаги неvara, эрмаги ҳовли,
Шу-да қадимлардан эрсизлар қавли,
Ўчоқбоши, урчуқ, сумалак, куви.
Лекин кўзлар йўлда, доводда ҳали,
Ҳали ҳам хос коса, ош сузса- улуш,
Ҳали ҳам уйғонар сахар кўриб туш,
Чопону белбоғи жовонда ҳали...*

Мана инсоният бошига мисли кўрилмаган дард-мусибатларни ёғдирган ва миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритган, миллионлаб гўдакларни етим, ёш аёлларни бева қолдирган даҳшатли урушнинг сира битмас жароҳатларининг яна бир изтиробли манзараси. Шу ўринда беихтиёр Зулфиянинг дунё халқлари ва мусибатдийда аёлларининг орзу ва армонлари ифодаланган ва юксак умуминсоний тафаккур ва туйғулар билан йўғрилган "Ўғлим, сира бўлмайди уруш" шеърисидаги машҳур сатрлари ҳаёлимизда жонланади:

*.. Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,
Ҳамон битмас сен солган алам.
Сен туфайли кўп хонадонда
Ота номли буюк шодлик кам!*

XX асрнинг энг машҳур тарихий воқеаси бўлган, 45 миллиондан ортиқ кишининг йети гини қуритган, миллионлаб норасида гўдакларни ота-онасидан анжудо қилиб, етим қолдирган, миллионлаб кишиларни умрбод мажруҳ-ногирон қилган ва неча юзлаб шахару қишлоқларни вайронага айлантирган Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли кечинмалари ва фашизм балосининг мудҳиш асоратлари инсоният ёдидан тоабат ўчмайди. Ардоқли шоирамиз Зулфиянинг "Ўғлим, сира бўлмайди уруш" номли шеъри ҳам дунё халқлари ва мусибатдийда инсонлар қалбида акс-садо бериб турганлиги айни ҳақиқат:

*Бас, бас, эзгу оналар қалби
Яшай олсин бежавф, бахт билан...
Кўкрак сути ва меҳнат билан
Биз жаҳонга берганмиз турмуш,
Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш!*

Урушнинг битмас алам-изтиробларини теран акс эттирган бундай нодир асарлар кишиларни ҳаммиша огоҳликка даъват этиши билан бирга,

айни вақтда, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни қадрлашга ва уни сақлаш учун ҳамжihatлик ва собитқадамлик билан курашишга чорлаши билан янада эъзозли ва аҳамиятлидир. Бундай шеърларнинг бадиий-эстетик аҳамияти уларда Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли фожеа лари ҳаққоний тасвирланганлиги билангина белгиланмайди. Айни вақтда, уларда Миртемир ва Зулфиянинг давр воқеа-ҳодисаларининг мазмун-моҳиятини чуқур фалсафий идрок этишлари ва поэтик талқин этишлари дағи жўровозлик ва ҳамоҳанглик ҳам бу асарларнинг гоёвий ва ҳаётий таъсирчанлигини оширганлигини англаш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш ўринлики, ҳар икки шоир ижодидаги бундай гоёвий-поэтик муштарак лики уларнинг асарларидаги мавзунинг яқинлиги билангина изохлаш бир томонламалик бўлар эди. Аслида, улар ижодида ғам-андўх мотивларининг етакчи ўрин тутуши ва маҳзунлик оҳанглариининг кучлилиги бу ижодкорларнинг шахсий ҳаётий кечинмалари ва қалбларидаги оғриқли нуқталар билан узвий боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим бўлади.

Бинобарин, Миртемирнинг фидоий ва жафокаш онасига бағишлаб ёзган, ўғиллик қарзлари ва армонларини чуқур ифодалаган "Онагинам" шеъри сингари Зулфиянинг ҳам кўплаб шеър-достонлари унинг шахсий дард-ситамлари билан йўғрилганлигини аччиқ ҳаётий бир ҳақиқат сифатида таъкидлаш жоиз.

Кўп асрли жаҳон адабиёти тарихида ўзининг ёрқин истеъдоди ва ижоди билан танилган шоирлар ҳам оз эмас. Лекин уларнинг ҳеч қайси Зулфия даражасида ўз халқи билан худди она-боладай қон-қардош, яқдил ва ҳам нафас бўла олмаган ва Зулфиядек жўшқин ва матонатли, бетакрор, нафосатли ижодкор бўлиш бахти ҳам ҳаммага насиб этаверган эмас. Шоиранинг ўзи "Бахтим шулки, ўзбекнинг Зулфиясиман"-дея, фахр билан эътироф этишида ҳам халқ билан жон-дилдан яқинлик, чексиз гурур ва ифтихор жамулжам. Зеро, унинг ҳароратли "шеъриятида Ўзбекистон бутунлигича жилваланади. Ўзбек табиати, ўзбек қалби, ўзбек меҳнаткашининг буюк дўстона оиладаги бахтиёрлиги, ўзбек аёлининг ёрқин ва сулувл сиймоси, дарди ва бахти, тўй ва томошасимана Зулфияхоним шеърияти!" (Миртемир)

Зулфиянинг туғма истеъдоди ва шеъриятининг парвозига бамисоли бир қанот бўлиб, унга туганмас илҳом ва мазмун бағишлаган қудратли руҳий манба ҳам, энг аввало, халқ билан яқдил лик, унинг жўшқин ҳаёти ва умид-ишончи билан ҳамнафасликдир. Ўзбеккона камтаринлик билан ўзини "қалам деҳқони" деб билган ва ёниб куйлашни юксак орзу-аъмолига айлантирган шоиранинг ижоддан, ҳар бир шеърдан асл мақсади ҳам улуғвор ва некбин:

*"Қалам-ла мен тўқийман қўшиқ,
У - инсонга, элга хизматим..."
"Не ёзсам- туб-тубдан ҳаётга доир,
Инсоний қалбимнинг тебраниши- ул"
Зулфиянинг юксак эътиқоди ва қахрамонона*

³ Зулфия Шеърлар. Тошкент, 1985. Б. 72-73.

⁴ Озод Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. Тошкент, 2004.

ҳаётининг мазмун-моҳияти ҳам ана шундай эзгу мақсадлар билан йўғрилган, нурбахш эди:

*"Шухратни ўйламай, тебранган қалам
Авлодга хизматдан қолмас ҳеч қачон..."*

Бу сатрларда шоиранинг муқаддас ижодий ақидалари ҳам ифодаланган. "Эртани бугунга кел тирмоқ" ва "бугундан гўзалроқ" ҳаёт қуриш учун жўшиб меҳнат қилаётган халқ ҳаёти ва орзу-умидларини қуйлаш, унинг қалб садоси ва овози бўла олиш-ижодкор учун улкан бахт, шараф. Аммо бундай таъриф Зулфиянинг камолот чўққисига кўтарилган ижоди ва бекиёс поэтик оламига нисбатан камлик қилади. Ўтмишдаги шоиралардан фарқли ўлароқ, Зулфия ўзининг улкан истеъдоди ва залворли шеърини уфқидан таралган шухрати билан нафақат Нодирабегим ва Маҳзуналарнинг армонларини ушалтирибгина қолмасдан, балки бутун Шарқ аёлларининг орзу-тилакларини дунё бўйлаб ёйишдек шарафли вазифани ҳам адо эта олди. Бу жиҳатдан Зулфия ижоди, айниқса, тинчлик ва дўстлик умуминсоний мазмун-жаранги билан XX аср жаҳон адабиёти тарихининг порлоқ саҳифаларидан бирини ташкил этиши шубҳасиздир. Айни вақтда, шоира шеърини ва ижтимоий фаолияти ўзининг шундай умуминсоний мазмун ва миқёси билан Фафур Фулом, Мирзо Турсунзода, Константин Симонов, Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Чингиз Айтматов каби машҳур намоёндалари ижоди билан ҳамоханглик ва муштараклик касб этиши унинг жаҳоншумул аҳамиятидан ёрқин далолатдир. Бинобарин, атоқли адиб ва мутаржимлар фахр ва ҳавас билан айтганидек, Зулфиянинг номи она-диёримиз билан эгиз тушунчага айланиб, дунё халқларининг Ўзбекистонга бўлган ҳурмат-эҳтироми шоирага бўлган ёниқ меҳрда ҳам намоён эди.

Зулфия халқ муҳаббатидай қудратли ва илҳомбахш бу туйғуларни "муқаддас гавҳардай" ардоқлаши ва улар гоҳ оқшом, гоҳ тонгда қалб қуйи бўлиб, ҳар бир хонадонга кириб боришини кўплаб гўзал манзумаларида, жумладан, "Юрагимга яқин кишилар" (1958 й.) номли туркум шеърларида ўзига хос поэтик услуб ва масрурлик билан ифодалади:

*"Юртим харитаси- менинг юрагим,
Энг узоқ бурчи ҳам таниш ва яқин,
Ҳар ерда муҳаббат ва ҳаёт берган
Яқин кишиларни топа оламан!
Бахтиёр бўлардим, шеърларим билан
Шу дўстлар қалбига киролсам агар..."⁴*

Бутун истеъдоди, қалбини халққа ва ижодга бахш этган шоира, ниҳоят, "шеърининг ёрқин тахти"га муносиб маликадай эъзоз ва бахт топди. Меҳнат Қаҳрамони унвони, Давлат мукофоти ва Халқаро мукофотлар соҳибаси бўлди. Ҳеч қачон сўлмай-диган шеърини чамани-ижодий мактаб яратди. Ҳақиқий истеъдоднинг камол топиши ва санъат асарининг яратилиши қанча шарт-шароит-у омилларга боғлиқлиги-аён ҳақиқат. Зулфия ҳам ўзининг "Уни Фарҳод дер эдилар", "Баҳор келди сени сўроқлаб", "Ўғлим, сира бўлмайди уруш", "Мушоира", "Ўғирламанг қаламим бир кун", "Қуёшли

қалам" ва "Хотирам синиқлари" каби нодир асарлари билан китобхонлар қалбини забт этиши учун улкан санъаткорларга хос машаққатли изланиш ва ижодий балоғат йўлини ўзига хос масъулият ва матонат билан босиб ўтди.

"Кўп билиб, кам ёзиш" муқаддас шиори бўлган Зулфиянинг илк тўплами "Ҳаёт варақлари" (1933 й.) билан сўнгги йиллардаги ҳам мазмунан, ҳам шаклан кўркам шеър-дostonлари ҳаёлан таққосланса, шоиранинг мураккаб ижодий юксалиш йўллари қанчалар самарали ва ибратли бўлганлигига амин бўламиз. Фикримизнинг далили сифатида Зулфиянинг биргина "Менинг меҳрибон онагинам" шеърини эслайлик. Жаҳон адабиётида, жумладан, ўзбек шеърини ҳам бу кутлуг мавзуда неча юзлаб асарлар яратилган. Аммо Зулфиянинг ушбу шеъри нафақат мазмун-руҳиятининг миллийлиги, бойлиги ва теранлиги билан, балки поэтик ташбеҳ-тамсилларининг оригиналлиги билан ҳам ажралиб туради. Дарҳақиқат, қуйидаги қуйма сатрларни фақат "поэтик маҳорат натижаси"- дея, баҳолаш бамисоли дарахт ортидаги ўрмонни кўрмасликдай умумий бир ҳулоса бўлиб қолса керак:

*"Тизларингда ётган қўлларинг чарчоғ,
Хордиқ олармикан қалб-ла силасам,
Оппоқ сочларингга қора кўзимнинг
Миннатдор нурини қилсам тароқ...
Бир умрлик йўлда кечиб, кўрганнинг,
Зарраси мадҳига етарми кучим!..
Сен сўнгги нидомсан жон берар палла"...*

Зулфия сиймосидаги донишманд инсон, садоқатли фарзанд ва муътабар она-шоирагина битиши мумкин бўлган бу мисралар замиридаги умуминсоний туйғу-маъноларни англаш, ичдан туйиш ва уларни қалбдан кечиришдек саодатмандлик бахтини зикр этувчининг дид-савиясига ҳавола этиб, бу ўринда бир кузатишимизни айтиш билан чекланамиз: Оналар чеккан захматни, чексиз меҳр ва фидойиликни бу қадар табиий, самимий ва теран мисраларда ифодадай олиш дунё шеърини ҳам камёб ҳодиса... Шоиранинг бундай ҳаётининг теранлиги ва юксак инсоний дард билан йўғрилган фасоҳатли шеърини бугун нафақат юртимиз бўйлаб, балки кўплаб дунё халқлари қалбига ҳам акс-садо бераётган экан, бу бахтли қисматнинг асосий сабаб-манбаи ҳам, энг аввало, Зулфиянинг ўзлигида, унинг ёрқин шахсияти ва юксак эътиқодида дейилса, хато бўлмас. Зеро, мутафаккирлар таъкидлаганидек, "шоир ижодий фаолиятининг манбаи унинг шахсида ифодаланган руҳидадир. Бинобарин, шоир руҳини ва унинг асарлари характерининг дастлабки изоҳини унинг шахсидан қидирмоқ керак" (В.Белинский).

Дарҳақиқат, Зулфия ижод оламига ўтмишдаги кўплаб шоирлар каби ишқ ва вафо, севги ва сад оқат деб аталмиш анъанавий мавзу ва туйғуларни қуйлаш билан кириб келди. Лекин бешафқат ҳаёт ва "ёзда ёққан қордай бевақт ўлим" бахт қасрини вайрон қилди ва ёш бошига оғир мусибат тушди. Ҳамид Олимжондай умр йўлдоши-тоғдай таянчи

⁴ Иброҳим Фафуров. Мангу латофат. Тошкент, 2008. Б. 230, 236.

ва тенгсиз устозидан бевақт жудо бўлган Зулфиянинг "Хижронинг қалбимда, созинг қўлимда, Мен ҳаёт экан ман, ҳаётсан сен ҳам" -, дея олиши учун қанчалар руҳий қудрат ва ижодий жасорат керак эди. Бу оғир жудолик Зулфиянинг ирода-бардошини қанчалар тоблаб, метиндек мустаҳкам қилган бўлса, унинг қалб нигоҳини ҳам шунчалар тий-раклаштириб, шоирона тафаккурини теранлаштирди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Зулфиянинг истеъдоди ва бадийи маҳорати қанчалар кучли бўлса, шоиранинг инсоний дард-мушибати ва ижодий жасорати ҳам улардан-да юксак ва қудратлироқ эди. Фақат шундай ҳайратангиз жасорат соҳибигина "асабу фикрини савалаб" ижод қила олади ва "тошдан ҳам, нурдан ҳам, мунгдан ҳам, қувончдан ҳам шеър югуриб олмоқ дардида" ўртанади. Устоз адабиёт шуносларимиздан Иброҳим Ғафуров Зулфия ҳақидаги теран мақола ва хотираларида бу дардли ва нурли ҳақиқатни тўғри таъкидлаган эди: "Хотира синиклари" деган нолакор дoston туғилмас эди, агарда қалб енгилган бўлса, нимталанган бўлса, қорайган бўлса...Бу етук донишмандлик билан ёзилган ва ҳар бир сатридан буюк фарёд ва буюк армон саслари отилиб турган дoston ўша зўравон лик даврларида шоирлар ўз қалбаларининг тоза қаърларига чўкиб яшаганликларини кўрсатади." ⁶

Шу буюк, изтиробли ҳақиқат ва илҳомбахш жасорат Зулфия ижодида, хусусан, айрим танқидчилар томонидан ноҳақ камситилган ҳижрон мотивларини куйловчи шеърларига юксак инсонийлик, ҳаётий ҳикмат ва жозиба бахш этади. Шикаста кўнглидан шеърини кўчган бу ҳаётбахш руҳият, фидойилик ва мардоналик туйғулари, аслида, Зулфия қалби ва улғувор сиймосининг ўзига хос поэтик ифодаси эканлигини Қайсин Қулиев каби машҳур замондошлари ҳам ҳайрат ва ҳамдардлик билан эътироф этадилар:

"Покиза туйғулар сенда буткул жам,
Наздимда, ҳаётинг ёруғ бир машъал,
Хижронинг ўзи ҳам маънос бир ғазал,
Донолик қўшиғи дейилса арзир..."

(Ж.Жаббор таржимаси)

"Зулфияни шоир қилган,- дейди Эркин Воҳидов,- ўз дардли қисмати ва дардли қисмат ҳақидаги самимий ва эҳтиросли нидоси. Унинг меҳр ва соғинч билан тўлган сатрлари жудолик дардида ўртанган неча минг юракларга малҳам бўлганини, неча минг кўнгил дафтарида кўчирилганини ҳаёл қилмоқ керак". Бу сўзларда ёрқин истеъдод, улкан инсоний қалб ва дард, ижодий жасорат ва юксак поэтик маҳорат мужассами бўлган Зулфия шеърини ва шахсининг яхлит, ажиб бир олам эканлиги ҳаққоний инкишоф этилган. Ҳассос олимимиз Иброҳим Ғафуров ҳам гўё ушбу теран фикрларни давом эттириб, бизни шоира шахсини, қалбининг тубсизлигини ва шеърининг жавҳари, яъни "поэтик ўқ илдизи"ни чуқурроқ англашга ундайди: "Дунёда сўзлаб эмас, чин маънода бўзлаб шеър айтган икки шоирни биламан: бири-Миртемир, иккинчиси- Зулфия,-деб ёзади."⁷

Нуктадонлик билан айtilган бу хулосага қўшил-

ган ҳолда, назаримизда, қисқа бир изоҳ бериб ўтиш лозим. Аввало, Навоийнинг Саид Ҳасан Ардашер ёки Абдурахмон Жомий вафотига бағишланган эзгин мисраларини ва Бобурнинг кўз ёшларидан нам бўлган, нолаю афғон тўла шеърларини ёдга олайлик. Навоийнинг эл учун чеккан унсиз фарёдлари, йиғлаб битган асарларида буюк шахс ва ижодкорнинг қалб изтироблари ҳам акс этмагани ва улар бизни ларзага солмайдими? Шунингдек, Қозим Мечиев ва Аветик Исаакяннинг ватан ва она соғинчларини куйловчи ёхуд Анна Ахматова ва Ольга Берггольцнинг жудолик дардларини акс эттирган асарлари, ёки икки навқирон акаси ва онасидан, Қайсин Қулиевдай беназир дўсту- оғасидан айрилган Расул Ҳамзатов армонлари куйланган шеър- дostonлар-чи? Ёки бетакрор шоир ва инсон Абдулла Ориповнинг фарзандлик ўкинч-ар монларини ифодалаган, "Маконда ломаконсан, энди қайдан излагайдурман." сатрлари билан бошланган шеъри ич-ичдан бўзлаб ёзилганлигини дийдаси қаттиқ киши ҳам тасаввур этса керак. Булар, қолаверса, Саид Аҳмад билан Саида Зуннунованинг маҳзун битиклари ҳам жаҳон адабиётининг мунгли ва порлоқ саҳифалари эканлиги ҳам исбот талаб этмаса керак. Аммо ҳақиқат-ҳақиқатлигича қолади: Миртемир ва Зулфиядек улкан сиймолар бошидан кечирган дард-ситам, ҳижрону-аламлар- "тоғдай зил, абдийдай чексиз армон" бўлганидай, уларнинг ижоди, нолалари ҳам ўзларига хослиги, пурҳикмат ва бетакрорлиги асло шубҳа уйғотмайди.

Зеро, "Зулфия ўз машҳур асарида мушоира чодори ичига жаҳон шоирлари оёқларини ечиб кирг анларини тасвирлайди. Шоирамиз дунё шеърини эҳромга қалбининг мусаффо, тиник, шаффоф зиёси билан кирган эди. У ҳаётда ҳам доимо шундай покиза зиё каби яшади". Бир умр покиза иймон билан яшаб, бутун ҳаёти ва истеъдодини элу-юртига бағишлаган, миллионлаб қалбларга эзгулик зиёсини таратган ва ҳурриятни интиқ- интизор бўлиб кутган шоиранинг "жўшқин ва забардаст овози" гулзорларга бур канган мустақил диёримизда мангу янграб турса- не ажаб!

Зулфияхоним умри поёнида ёзган шеърларида бирида шундай башорат қилган: - Мен кетсам, мунғаймас умрим ҳеч қачон, Бу боғлар- бир боғлар бўлади ҳали...

Бугун ўз иқтидори билан илм ва ижод соҳасида ибратли фаолият кўрсатиб келаётган Зулфияхон им издошлари- умидли қизларимиз юзлаб топилади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг фармонларига асосан Жиззах шаҳрида барпо этилган Зулфия ва Ҳамид Олимжон номидаги ёдгорлик мажмуи халқимизни беҳад қувонтирди. Бу сўлим масканда қад ростлаган Ҳамид Олимжон, Зулфия ва Шароф Рашидов музейининг муҳташам бинолари, она тили ва адабиёт чуқур ўргатила диган мактаб-интернат ва замонавий болалар кутубхоналарнинг ташкил этилганлиги ҳам ёшлари мизга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг ёрқин бир намунасидир.

⁷ Эркин Воҳидов. Изтироб. Тошкент, 1992. Б. 164.